

ТОКСИК БЎҚОҚНИНГ ХИРУРГИК ДАВОСИГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ

Бабажанов А.С

Тухтаев Дж.К

Самарқанд давлат тиббиёт университети. Самарқанд, Ўзбекистон

Долзарблиги. ЖССТ маълумотларига кўра ер қуррасининг 7% аҳолисида токсик бўқоқ мавжуд, бунда токсик бўқоқ қалқонсимон без касалликлари структурасида 65-80 %ни ташкил этади. Операциядан кейинги асоратларнинг етарлича юқорилиги, операциядан кейин касаллик қайталаниши (15-44%), қалқонсимон без раки ривожланиши (7-16%), операциядан кейинги гипотиреоз юзага келиши (25-63%) ҳолатларининг кўплиги кенг тарқалган хирургик тактиканинг етарлича самара бермаётганлигидан далолат беради. Тадқиқотнинг мақсади: хавфли бўлмаган қалқонсимон без токсик ҳосилаларининг хирургик даво натижаларини операция ҳажмини танлашга дифференциал ёндашув орқали яхшилаш. Материаллар ва тадқиқот усуллари. Қалқонсимон без токсик ҳосилалари (ҚБТХ) билан Самарқанд давлат тиббиёт университети 1 клиникасига 2019-2023 йй. давомида операция ўтказган 368 нафар беморларнинг хирургик даво натижалари таҳлил қилиб чиқилди. Операция ўтказилган вақтда беморларнинг ёши 18 дан 77 ёшгача бўлган (ўртача ёш 49,4+11,8 йил), аёллар 291 нафар (79,1%), эркаклар 77 нафар (20,9%). Натижалар. Ўтказилган операциялар натижаларининг гистологик таҳлил маълумотларига кўра ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики аденоматоз ўчоқли токсик кистоз – коллоид бўқоқ (63,6%) ва ҳар хил аденомаларнинг турли пролиферация даражасидаги кўп токсик коллоид бўқоқ билан бирга келиши (22,3%), ҳамда ушбу шаклларда ўтказилган аъзони сақлаб қолишга қаратилган операциялар қалқонсимон без токсик ҳосилаларининг қайталанишининг асосий сабаби ҳисобланади. Хулосалар. Қалқонсимон без токсик ҳосилаларида ингичка игнали пункцион аспирацион биопсия ва интраоперацион экспресс биопсия маълумотларига таянган ҳолда операция ҳажмини танлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм операциядан кейинги эрта асоратларни 21,2%дан 2,9%гача ва операциядан кейинги кечки асоратларни 24,1%дан 4,7%гача камайтириш орқали даволаш натижаларини яхшилаш имконини берди.

Калит сўзлар: қалқонсимон без токсик ҳосилалари, бўқоқнинг қайталаниши, операциядан кейинги гипотиреоз.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Лутфуллаев Г., Кобилова Ш., Мирзаев З. Клиника и диагностика доброкачественных опухолей гортаноглотки //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2015. – №. 4, 1 (85). – С. 71-73.
2. Лутфуллаев У. и др. Мукоцеле лобной пазухи //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2016. – №. 3 (89). – С. 130-131.
3. Лутфуллаев У. и др. Комплексное лечение больных с папилломами носа и придаточных пазух //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2017. – №. 2 (94). – С. 58-60.
4. Лутфуллаев Г., Тахирджанова П., Файзуллаев Д. Значение спиральной компьютерной томографии и магнитно-резонансной томографии в диагностике ювенильной ангиофибромы носоглотки //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2018. – №. 1 (99). – С. 60-62.
5. Лутфуллаев Г. У. и др. Ранняя диагностика доброкачественных опухолей глотки в условиях первичного звена здравоохранения //Вопросы науки и образования. – 2020. – №. 18 (102). – С. 21-27.
6. Лутфуллаев Г., Кобилова Ш., Сафарова Н. ПЕРВЫЙ ОПЫТ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ COVID-19 //Журнал кардиореспираторных исследований. – 2020. – Т. 1. – №. SI-1.
7. Lutfullaev G. A. et al. Experience of distance learning in the context of the COVID-19 pandemic //Problems of pedagogy. – 2020. – Т. 4. – №. 49. – С. 66-69.
8. Lutfullaev G. U. et al. Importance of Pregnancy in the Pathogenesis of Hemangiomas //INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 309-311.
9. Lutfullaev U. L. et al. Morphological Characteristics of Tumors of the Outer Ear //INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 317-322.
10. Lutfullaev G. U. et al. TREATMENT OF EXUDATIVE OTITIS MEDIA IN WORLD PRACTICE //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 93-97.